

**Ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар махсус кийими  
Тошкент имкониятлари чекланган шахслар учун  
ихтисослаштирилган 2-сон касб-хунар мактаби ўқитувчиси:**

**Замирахон Атаджановна Мамарахимова**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар кийими хақида суз боради.

**Калит сўзлар:** ёнғин, кийим, табиий муҳит, замонавий технологиялар

**Ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар кийими-** кўп қаватли махсус кийим жамланмаси бўлиб куртка ва шим (комбинизон)дан ташкил топади ва ёнғинларда ёнғин ўчирувчини танасини химоялайди, шунингдек ёнғин вақтида юзага келадиган хавфли ва зарарли омиллар таъсирини камайтиради.

Ёнғин ўчирувчиларнинг жанговар кийимларини ривожланишининг дастлабки босқичларида жанговар кийимлар ёниш хусусиятлари камайтирилган, пахта-қоғозли ва жунли газламалардан тайёрланган. Бундай махсус кийимлар юқори ҳарорат таъсирига чидамсиз ва сув таъсир этилганда, унинг ёнувчанлигини камайтириш учун ишлов берилган кимёвий воситалар ўз хусусиятларини йўқотганлар. Ишлаб чиқариш ва фан технологиялар ривожланиши натижасида ёнғинлар ҳам мураккаблашиб, юқори сифатли ва жанговар кийимларга бўлган эҳтиёж кундан кунга ортиб борди.

Замонавий жанговар кийимлар, фойдаланиш соҳаси, ёнғинларни ўчириш ва қидирув-қутқарув ишлари, иссиқлик, физик-кимёвий таъсирлардан химояланиш даражалари ва атроф табиий муҳит шароитларига кўра синфланади.

Замонавий жанговар кийимлар турли материал ва газламалардан иборат бўлиб, улар сув ўтказмайдиган, юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлишлари зарур. Жанговар кийим конструкциялари унинг ёнғин ўчириш асбоб анжомлари билан биргаликда фойдаланиши учун хизмат қилади. Улар қуйидагилардан иборат: қутқарув камари, каска, ёнғин ўчирувчини нафас йўллари ва кўзини химояловчи шахсий химоя воситалари, радиоалаоқа воситаси, махсус турдаги оёқ кийими, махсус қўлқоплар. Жанговар кийимларнинг раҳбар бошлиқлар таркиби учун мўлжалланган ҳамда оддий хизматчилар учун мўлжалланган турлари мавжуд.

Шахсий таркибни химоялаш даражасига кўра жанговар кийимлар қуйидаги турларга бўлинади:

**1-даражали** жанговар кийим юқори ҳарорат таъсири, катта миқдордаги иссиқли оқими, ёнғин ўчириш вақтида юзага келадиган экстремал вазиятлар, ёнғин ўчириш ва қутқарув ишларида маълум вақтдаги аланга таъсири химоя



килади. Жанговар кийимнинг материали ҳарорат таъсирига чидамли бўлиши учун махсус ишлов берилади.

**2-даражали** жанговар кийим ўта юқори ҳарорат таъсиридан ҳимоялайди. Жанговар кийим махсус ҳароратга чидамли брезент матодан ёки шунга ўхшаш бошқа турдаги материаллардан тайёрланади.

**3-даражали** жанговар кийим юқори бўлмаган ҳарорат таъсири ва кичик миқдордаги иссиқлик оқими таъсиридан ҳимоялайди. Жанговар кийим сунъий материаллардан тайёрланади.

Совуқ шароитларда ишлайдиган ёнғин хавфсизлиги ходимлари учун махсус иситиш қатламли жанговар кийимлар мавжуд.

Янги замонавий технологияларни ривожланиши жанговар кийимлар учун сунъий

матолардан фойдаланиш шароитини яратди. Бу материаллар юқори ёнғинга бардошлилик хусусиятларига эга бўлиб, агрессив муҳитга чидамли ҳисобланади. Улардан табиий матоларга аралаштириб фойдаланилганда гигиеник, физик-кимёвий хусусиятлари яхшиланиши билан бир қаторда уларни тайёрлашга сарфланадиган маблағни тежайди. Материалларда ёнғинга бардошлилик хусусияти яхшиланганда уларнинг эксплуатацион хусусиятлари ҳам яхшиланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Онищенко Г.Г., Ракитский В.Н., Синода В.А. Сохранение здоровья работников при внедрении здоровье- и ресурсосберегающей технологии // Россий-2015; 59 (6): 4—8.
2. Денисов Э.И., Прокопенко Л.В., Чесалин П.В. Медицина труда за рубежом. Международные и национальные документы и практика / Под ред. акад. РАМН Н.Ф. Измерова. М.: РЕИНФОР; 2010.

